

Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

Ташкил этилган
КУТУБХОНАСИ
Ташкил этилган институт

2009 йил, 11 март, Чоршанба

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 49 (11.360) Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «UzBuild-2009» халқаро кўргазмаси очилди. 13 мартта қадар ўтказиладиган ушбу тадбирда мамлакатимиз иқлим шароитида қўллашга қулай бўлган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ускуналари, пардозлаш ва қоплама жиҳозлари, лок-бўёқ маҳсулотлари, қоришмалар ҳамда замонавий технологиялар намойиш этилмоқда.
- Тошкентдаги «Dedeman» меҳмонхонасида «BankExpo-2009» банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари кўргазмаси иш бошлади. Мазкур кўргазма бу йил Ўзбекистон Марказий банки банклар ҳамда ахборот технологиялари ассоциациялари ҳамкорлигида иккинчи бор ташкил этилаётган бўлиб, унда МДХ ва Ўзбекистондаги 30 дан зиёд йирик банк, молия ва инвестиция компанияси иштирок этапти.
- Фориш ҳамда Фаллаорол туманларида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда ҳар иккала тумандаги 60 та корхона ва ташкилот 250 бўш иш ўрни билан қатнашиб, тадбир давомида унда иштирок этган 120 нафар кишлоқ ёшлари иш ўринларига эга бўлишди. Ишла бўлганларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини тугатган йигит-қизлардир.
- Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюмлари Тошкент вилояти ташкилотлари етакчиларининг семинар-масгулотига асосий эътибор «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» учун ишлаб чиқилган дастурда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда туман касба уюмлари кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари савий-харакатларини фаоллаштириш масалаларига қаратилди.
- Самарқанд олий спорт маҳорати мактабида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган беллашувларда Республикаимизнинг барча ҳудудларидан келган 500 нафарга яқин полвон гиламга чиқди.
- Наманган вилояти ўлкашунослик музейида ёш мусаввир Аъзамжон Насриддиновнинг «Қалб садоси» деб номланган суратлар кўргазмаси очилди.
- Булуғтур туманидаги Килдон қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 30 га яқин корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу кунги 65 киши ишга йўлланма олди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

АНЪАНАВИЙ
ТАРЗДА 1996
ЙИЛДАН
БУЁН
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ



**СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИБ
КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС»
КЎРИК-ТАНЛОВИДА ИШТИРОК
ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОР, ФЕРМЕР
ВА ХУНАРМАНДЛАРНИНГ САФИ
ОРТИБ БОРАЁТГАНИ УШБУ
МУҲИМ ТАДБИРНИНГ НУФУЗИ
ЮКСАЛАЁТГАНИДАН, УНИНГ
РАҒБАТЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРНИ
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА
ЧОРЛАЁТГАНИДАН
ДАЛОЛАТДИР.**

«Ташаббус — 2009»

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР БЕЛЛАШИШДИ



Чиндан ҳам бугунги кунда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг юксак эътибор ва қўллаб-қувватлашлари боис кичик бизнес ва тадбиркорлик йил сайин ривож топмоқда. Унинг равиши эса мулдорлар синфи шаклланишида асосий омил бўлмоқда, минглаб, ҳаттоки миллионлаб юртдошларимизнинг даромад манбаига айланди ва эл-юрт фаровонлигида муҳим ҳисса бўлмоқда. Айниқса, улар яратаятган янгиликлар оммалашмоқда, ташаббуслари эса кенг ёйилмоқда.

Йилдан йилга қулоч ёйиб бораётган «Ташаббус» кўрик-танлови ёйиллари ҳам кўпайиб бормоқда, ютуқлари олқишларга сазовор бўлиб, улар тайёрлаган маҳсулотлар нафақат ички, балки хориж бозорига ҳам ўрин топмоқда. Бу — мустақиллик шарофати, изланиш самараси, ташаббус натижасидир.

Кеча пойтахтимиздаги «Маданият ва санъат кўргазма зали» ҳар қачонгидан ҳам гавжум ва тантанали бўлди, қарнай-сурнай садолари шодиена янгради. Мазкур фаёлий масканда «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг пойтахт босқичи бўлиб ўтди. Энг қувонарлиси эса танловда туманларда саралари ичидан ёйилликни қўлга киритган тадбиркор ва хунармандлар маҳорати яна бир синовдан ўтди. Иштирокчилар, яъни 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунарманднинг маҳсулотларидан ташкил этилган кўргазмани томоша қилиб дилнингиз яйрайди, мана шундай импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп товарлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз меҳнати самараси эканлигидан қувонасиз. Яна бир эътиборли томони эса жорий йилда янги номлар, янги ишлаб чиқарувчиларнинг кашф этилганидир. Савдо музлатгич ускуналари тайёрлашни йўлга қўйган «АРЕРА TECHNOLOGY», қуёш нури ёрдамида электр энергияси узатувчи электр станциялари ишлаб чиқараётган «MIR SOLAR», автомобиллар



учун бутловчи қисмларни етказиб бераётган «Мавлон-техник» масъулияти чекланган жамиятлари, юқори ва паст қулашиш электр ускуналарини тақдим этаётган «TASHKENT TRANS ENERGO» хусусий корхонаси ана шулар жумласидандир. Ҳар бир тадбиркорнинг ишбилармонлиги тайёрланаётган маҳсулотнинг харидорбонлигида, бугунги кун талабига тўла жавоб беришида аяққол қириниб турибди.
(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОНДА

- Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлар молия вазирлари Халқаро валюта фонди маблағини 500 миллиард долларга кўпайтириш ташаббусини қўллаб-қувватлашни билдиришди. Вазирларнинг таъкидлашича, ушбу маблағ иқтисодий бўҳрондан жабр кўраётган ва камбағал мамлакатларга кредит бериш учун керак бўлади. Халқаро валюта фонди ушбу маблағнинг асосий қисмини Япония ва Хитойдан олишни режалаштиряпти.
- Россия Федерацияси ҳукумати Бюджет кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини маъқуллади.
- АҚШ Президенти Барак Обама Суданнинг мамлакат ҳудудидан гуманитар ташкилотларнинг ходимларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорини қоралади.
- Япония Шимолий Кореяга нисбатан иқтисодий санкцияларни узайтириш ниятида эканлигини маълум қилди.
- Кеча Халқаро космик станция аъзолари носозликларни бартараф этиш учун навбатдан ташқари очик коинотга чиқишди.
- Молдовада 15 апрелда бўлиб ўтадиган парламент сайловларида қатнашиш учун 15 та партия ҳамда 6 нафар мустақил номзодлар рўйхатдан ўтказилди.
- Шри-Ланқада кишилар гавжум жойда террорчи-камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши оқибатида 14 киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу террорчилик ҳаракатини «Тамил илам озодлик йўлбарслари» гуруҳи амалга оширгани тахмин қилинмоқда.
- Исроилда аёлларни алдаш ва сотиш билан шуғулланган 12 кишилик жиноий гуруҳ қўлга олинди. Улар асосан МДХ давлатларидан аёлларни алдаб олиб келиб, Туркия, Кипр, Чехия, Бельгия, Голландия, Канадада турли ноқонуний ишлар билан шуғулланишга мажбур этишган.
- Мисрда Фаластин мухториятининг ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари миллий яқдиллик ҳукуматини тузиш юзасидан ўзаро музокаралар олиб бормоқда.
- Норвегияда нархи 2,5 миллион еврога тенг бўлган таъсирли санъат асари ўғирлаб кетилди. Европа Уйғониш даврига оид бу асар ўз даврининг машҳур рассоми Лукас Кранскатта мўйқаламига тегишли бўлиб, у Парвик шаҳридаги ибодатхонада қарийб 1677 йилдан буюн саклаб келинган эди.
- Германиялик олимлар зилзиладан бир қанча олдин ер ости тоғ жинсларида ўзгаришлар рўй беришини аниқладилар. Таdqиқотчиларнинг маълум қилишича, зилзиладан биров олдин ер ости тўлқинлар ҳаракатига таъсир қиладиган жинслардаги ёриқларнинг ёпилиши ёки очилиши кузатилади. Мазкур гоя аниқлик жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир.

БОЛАЖОНЛАР-ШИРИНТОЙЛАР — 2009

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМГАРМАСИДА
«БОЛАЖОНЛАР-ШИРИНТОЙЛАР — 2009» БОЛАЛАР МОДАСИ
ФЕСТИВАЛИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ассоциацияси ҳамкорлигида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмаги билан ташкил этилган мазкур фестивал жорий йилнинг 12-14 март кунлари ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу йилги фестивалда асосий эътибор кундалик ҳаёт либосларига қаратилганлиги, шу билан бирга либослар махсус йўналишларда, мавзуларга ажратилган ҳолда намойиш этилишини айтиб ўтишди.

Матбуот анжуманида таъкидланганича, кундалик либослар услубида яратилган тўпламлар билан Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган «Шаҳар кўчалари» деб номланган номинацияда таъкидлаш мумкин. Модельерларнинг ижодий ишлари «Дадил қарор» йўналишида жамланган. Айтиш жоизки, «Мактаб формаси» номинацияси доирасида ўқувчи ва талабалар учун қулай бўлган либос-

лар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Намойиш этилажак мазкур тўпламлар ўсирилларнинг хоҳиш-истаклари инobatга олинган ҳолда, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровномалар ҳамда таdqиқотлар асосида аниқланган. Бундан ташқари, фестивал доирасида иштирокчилар «Байрамон либос», «Миллий услуб», «Спорт либослари» сингари йўналишлари бўйича намойиш этиладиган либосларнинг гувоҳи бўлади.

— Мазкур фестивал аънаванавий тарзда ўтказиб келинаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди «Осиё рамзи» дизайнер ва модельерлар уюмлари раиси Холида Комилова. — Бу йилги фестивалда Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос келадиган, ҳар томонлама қулай либосларни тақдим этишни мақсад қилганмиз. Айниқса, қизларимиз учун хонатласдан яратилган тўплам эътиборга моликдир.

Шунингдек, анжуманда мамлакатимизнинг таниқли

ва эндигина мода оламига кириб келаятган дизайнерлар томонидан яратилган прет-а-порте тўпламлари ички бозорга мўлжалланган бўлиб, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги қайд этилди. Либосларда табиий матолардан фойдаланилиши, либос гигиенасига амал қилган ҳолда маҳсулотнинг сифатли ишланиши, бундан ташқари, миллий ва жаҳон модаси хусусиятларини ўзига жамлаган эстетик тамойиллар ўзбек дизайнерларининг ўзига хос жиҳатларидан бири эканлиги эътироф этилди.

Фестивалга сахнада либосларни намойиш этиш учун 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 150 нафарга яқин болалар жалб этилган.

Уч кун давом этадиган ушбу тадбир доирасида мода кўргазмалар, гала-намоийшлар, болалар суратлари ва моделлар танлови ҳамда илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»



«Наврўз — 2009»

БОҒ-РОҒЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Шаҳару қишлоқларимизни, кўча ва хивонларни безаб турган дарахтлар, манзарали буталар ва гуллар асосан Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан етиштирилади ҳамда кўпайтирилади.

— Айрим ноёб манзарали дарахтларнинг қўчатлари хориждан олиб келинар эди, — дейди Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим бошлиғи Сотволди Дадаев. — Бундай қўчатларнинг юртимиз иқлимига мослаштириш қийин кечарди. Мазкур марказ ташкил этилгандан сўнг ноёб дарахтларнинг уруги ва қаламчиси олиб келиниб иқлим шароитимизга мос ҳолда ўстирилмоқда. Ҳозир марказ томонидан 3 миллиондан ортиқ қўчат парваришланаётди. Улар орасида баландлиги 30 метрга етадиган арчалар, компакт туя арчаси, липа, каби қирқдан ортиқ турдаги кўп йиллик ноёб манзарали дарахт ва буталар бор. Айни пайтда асалчиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган йўқолиб бораётган оқ акация қўчатларини ҳам кўпайтириш ишлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, марказда етиштирилаятган юлғун, қандин, саксовул, черкис, садақайрағоч каби қўчатлар чўлларда шўрланганининг олдини олиш, қурғоқчиликни бартараф этиш, камайиб бораётган ўрмонларни қайта тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Доривор хусусиятга эга бўлган япон беҳиси халқ таъбиотига қанд касаллигини даволаш, қон босимини туширишда кенг қўлланилади.

Шу кунгача марказ томонидан ўсимликларнинг йиғирма бешга яқин янги турлари аниқланди ва маҳаллийлаштирилди. Етиштирилган қўчатлар барча вилоят ва туманларга етказиб берилаятир.

Гўзал САТТОВА,
ЎЗА муҳбири

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасида Асосий Қонун — республиканинг Конституцияси қабул қилиниши билан инсонлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоярларга, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларнинг устуворлиги тан олинган.

Маъзур принциплардан келиб чиқиб, Республикаимиз Президентини И.А.Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси асосида мана бир неча йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Олдинги мақолада қонунчиликдаги муқтадил суд ҳокимиятини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини либераллаштириш мақсадларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ўзгаришлар ҳусусида сўз юритган эдик.

Лектин, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни бу билан тўхтагани йўқ. Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруратини юзага келтирди. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг қўлланма демократик ислохотларни амалга ошириб бўлмайд.

Бугун ислохотлар янада янгиланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларни қамраб олмақда. Шу мақсадда ҳалқаро таъриб ўрганилмоқда, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти таҳлил қилинмоқда, уни такомиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек, бундай йўл орқали ҳали мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Қонунчиликдаги янгиланишлар шарҳлашдан олдин уларнинг самардорлиги масаласида тўхталсак. Чунки бу олдимизга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадларга эришиш борасида муҳим омилдир.

Буни аниқ мисолларда кўриб чиқсак.

Ўзбекистон Республикасининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қўлга кирганига бир йилдан ортиқ вақт ўтди.

Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатишти раҳбарларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрнинг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, ўтган йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 16610 та илтимоснома киритилган. Ушбу илтимосноманинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 248 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан маъзур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек баъзи ҳолатларда судларнинг асосий ақриларини бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормаларини самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир факултетада ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳолашни лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировад мақсади ҳам шахсининг конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан ҳолислик ва бегаразлиқни таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириб, айни вақтда бевосита ўзи жиноят ишларини тергов қилган прокурор томонидан санкция берилган вақтларни бир эслайлик. Прокурорларнинг ҳолислигини шубҳа остига олган ҳолда, айрим ҳолларда очкида қолдирилганлиги тўғрисида дастлабки терговнинг юриштиликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, улар айбланувчиларнинг эркинлигини чеклашдан маълум даражада манфаатдор бўлганини ҳам инобатга олишимиз лозим. Қамоққа олиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш тартиби эса ҳар доим ҳам қўтилган самарани берибди.

Бундан буюн, оддий гап билан айтганда, шахсини қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши тегишлининг уч босқичдан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунчилиги ва асослиги ҳақидадан текшириб, унга қўйилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу босқичнинг ўзидек бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўн туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш ҳусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанци-

яси суди, апелляция шикоятни ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда бундай тизим шахсларни қонунга зид равишда қамоққа олиш ҳолларига барҳам берилишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳақиқий таъминланишига олиб келади.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли Қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Аввалмбор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар қўрилмоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, бундан ташқари, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар қўрилмоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, бундан ташқари, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар қўрилмоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

оммавий ақборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилаётди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланди. Одам савдоси жабрдўйдларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши яшилди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолат аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жиноятни ташкил этган.

Қўрилаётган чоралар аҳолининг одам савдоси ҳолатидан жабрдорлиги ўсиб бораётганига билан бирга, тадбиркорларнинг «қулликка» тушиб қилиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келиши шубҳасиздир. Энди охириги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида юз берган янгиланганга эътиборимизни қаратсак.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими муқтадиллигини таъминлаш бўйича тадбирлар маркази ташкил этилди. Бу Марказнинг очилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур демократик ислохотларнинг давоми бўлди.

Суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидаларни рўйбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд ишларини юриштилик демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, маъзур соҳада ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш каби вазифалар Марказ олдига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатурани инстиутини янада ислоҳ қилиш чоралари тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан белгилаб берилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси фуқароларнинг юқори малакали юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг маъзур конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда қарийб 7 минг нафар адвокатни билаштириш минга яқин адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ишда гумон қилувчи, айбланувчи ва судланувчининг

ҳимоясини сифатида ҳар қандай шахс, шу жумладан юридик маълумотга ва юридик хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этишига йўл қўйган норманинг жиноят-процессуал қонунчилигида мавжудлиги фуқароларни малакали юридик ёрдам билан таъминлаш механизмидаги камчиликлардан бири эди.

Маъзур норма фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўйбга чиқарилиши ҳар доим ҳам таъминланмас эди, адвокатларнинг айрим ҳолларда сохта юридик хизмат кўрсатувчи турли тузилмалар билан алмаштирилиши учун замин яратар эди. Бунинг устига ушбу ҳуқуқдан муқтадил адвокат бўлиб ишлаган, лекин ғайриҳуқуқий ёки ноҳақ ҳатти-ҳаракат содир этганилиги учун лицензиядан маъзур қилинган шахслар уларнинг гараз мақсадларида фойдаланар эди.

2008 йил 15-сентябрдаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгаришлар жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштирок этиши, у билан бир қаторда эса бундай вазиятда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бири амалга ошириши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйди. Натижада фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари қафолатининг мустаҳкамлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Адвокатура институтини такомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қўлга кирган вақтдан бошлаб шахсининг ҳимоя ҳуқуқини қафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Маъзур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-иқроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек "Адвокату-

рилик жиноятларнинг ярмидан кўпинеи фош этиш даражаси ҳозирда юқори бўлмаган ўғирликлар, талончиликлар, фирибгарликлар ва босқинчиликлар ташкил қилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексидан жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарликка оид махсус норманинг мавжуд бўлмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари бундай қилмишлари учун Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ваколат доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги каби моддаларга бўйича жавобгарликка тортилмишига олиб келган. Бу эса жиноятларни яшириши (масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни) ҳар доим ҳам жиноий қилмиш тарикасида баҳолашга тўсқинлик қилар эди.

Жиноят кодексига маъзур норманинг киритилиши, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ва бунинг оқибатида жабрланувчилар ва бошқа фуқароларнинг жиноий қилмишларини объектив тергов қилишга бўлган ҳуқуқларини қўйимол қилиш ҳолларига барҳам берилишига, шунингдек бу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қўмақлашади.

Шунингдек, маъзур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига жиноят ишларининг терговга тегишлилиги қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, прокуратура органларининг терговига тааллуқли, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган ва уларни фош этиш ҳамда тергов қилиш бевосита Ички ишлар органларининг профилактика ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ жиноятлар бўйича ишлар ички ишлар вазир-

лиги нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий маъкеи ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда фақат уларнинг жиноий жавобгарлиги масалаларига бағишланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озодликдан маъзур қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маъзур қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Айни вақтда, маъзур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маъзур қилиш жазосини тайинлашга йўл қўйдиган нормалар ҳам бор эди ва бу ягона суд амалиёти шаклланишига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу каби ҳуқуқий нуқсонларнинг мавжудлиги, айрим ҳолларда, вояга етмаганларнинг унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳам озодликдан маъзур қилинишиларига олиб келган.

Киритилган ўзгаришлар ушбу қарама-қаршиликларни бартараф қилди ва келгусида жиноий қонуннинг тўғри қўлланилишини ва вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маъзур қилиш жазоси тайинланмаслиги қафолатларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига киритилган яна бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарликни белгилувчи нормаларни такомиллаштириш ва янада либераллаштиришга қаратил-

статистик маълумотлар аниқ далолат беради: охириги уч йил давомида қўзғатилган бир мингдан зиёд жиноят иши бўйича қиймати 10 минг сўмдан ошмаган этил спирти, алкоғолли ва тамаки махсулотларини ишлаб чиқарганлик, ёки муомалага киритилганлик ҳолатлари тергов предмети бўлган.

Амнистия актларини қўллашнинг процессуал тартибин белгилаш масаласига ҳам батафсил тўхталиш лозим.

Барчага маълумки, 2008 йилнинг 28 августда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия акти қабул қилиниши ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланиши билан республикамизда маъзур актни судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида таъбиқ этиш масалаларини судлар иштироғига ўтказиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Айтиш кераки, маъзур қарор эълон қилинганча амнистия актлари судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида таъбиқ этиш прокурорларнинг розилиги билан бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда жиноий жазоларни ижро этишга масъул бўлган органлар томонидан қўлланилар эди.

2008 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг "Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

Бу борада киритилган тузатишларга қисқача тўхталасак.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексини суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш, прокурор томонидан судга амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш, материал, жиноят ишини судга кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгилловчи боб билан тўлдирилди. Терговолди текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсини амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини маъзур шахсининг аризаси ва амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатиши рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборди.

Прокурор, ўз навбатида, суриштирувчи ёки терговчининг тақдимномасига рози бўлган тақдирда, материал, жиноят ишини таъбиқ илтимоснома билан судга ўтказди.

Маъзур илтимоснома жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юриштилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий харбий судининг судьяси томонидан яқна тартибда, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилди. Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масаласи қўйилган шахс, шунингдек унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси қатнашади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича ақрим чиқарилиб, унга манфаатдор шахслар томонидан шикоят, прокурор томонидан эса протест келтирилиши мумкин.


Шунингдек, ЖПКга жиноий жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амнистия акти прокурорнинг илтимосномасига асосан маъзурнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилган. Бунда, Жиноят-иқроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, тегишли муассаса маъмурияти етарли асослар бўлган тақдирда, маъзурга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Амнистия актини қўллаш масаласи судларнинг ваколатига киритилиши суд тизимини ислоҳ қилишнинг манъий ҳақидаги муқтадиллиги билан жавобгарликдан озод этиш масаласини хал қилиш борасида одиллик, ҳолислик ва бегаразлик принципларини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга қаратилган.

Шундай қилиб, биз охириги бир неча ой давомида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш мақсадида киритилган ўзгаришларни яна бир бор қисқача изоҳлашга ҳаракат қилдик. Айтиш кераки, бу жараёнлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг фақат кичик қисмидир. Ислохотлар фақат суд-ҳуқуқ соҳаси билан чекланмапти. Халқнинг фаровонлигида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ҳам такомиллаштирилмоқда.

Бу ислохотларнинг барчаси фақат бир нарсадан далолат беради: ҳаётнинг барча соҳаларида Ўзбекистон илчил босқичма-босқич ривожланиш давридан ўтмоқда, мунтазам равишда янги қонунларнинг қабул қилиниши ва амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритилиши эса давр талабидир. Бундай вазиятда юз бераётган ўзгаришларга сезгирлик билан қараб, чектириб бўлмайдиган чоралар кўриш лозим. Бизнинг мамлакатимизда бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган илчил чора-тадбирлар давлат раҳбари И.А.Каримовнинг бевосита бошчилигида амалга оширилмоқда.

Рашидҷон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ
ХИКМАТЛАР

Ҳақ толиби, Ҳақ томонга юзлан мудом,
Илм изла сафо йўлида, излан мудом.
Бўлмоқ тилсанг агар маърифат соҳиби,
Ҳақ тақдирига кўна азизлан мудом.

Хоҳлар бўлсанг, Ҳақ ўзи ёринг бўлмай,
Ҳар ранжу гамингда гамгусоринг бўлмай,
Ҳақ фармонидан ташқари ҳеч қўйма қадам,
Ҳақ лутф ила шояд мадақкоринг бўлмай!

Ёп айбу гуноҳини ҳар одамани,
Дунё гамини ўйлама, чек дил гамини.
Оллоҳ ризоси талабиди бўлсанг,
Кўй дардига халқни яхши хулқ
малҳамини.

Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,
Қўлингки, тугар экан, саховат айла.
Ўз ҳосилини ўзи ўчур ҳар кимса,
Бас, парвариши учун ризват айла.

Шухрат нони бирла нафс итин шод этма,
Халқ ичра бўлар-бўлмас ўзинг ёд этма.
Камтар бўл — ўзингни қилайин деб
машхур,
Бой берма динингни яна, барбод этма!

Ёмон кишиларга бўлма ҳеч ҳамсухбат,
Пок номинг улар булғагай айлаб гийбат.
Ҳар канча улуг бўлса-да, офтобни қара,
Бир парча булут бошига солгай зулмат.

МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙ

Топмайди қазо пардасига йўл ҳеч ким,
Ҳеч кимга қадар сирлари бўлмас маълум.
Ҳар бир киши бир фалсафа сўққай ўзича,
Бу баҳс ечилар на ва на тўхтар бир зум.

ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ

Гавҳар тилаган бир кун конга етади,
Васл орзулаган оромижонга етади.
Бас, мандан эшит бир ҳаётӣ хикматни:
Ўқ йўлдан адашмаса, нишонга етади!

ШАЙХ АҲМАДИ ЖОМ

Ишқ бир кўзгу — унда сира занг бўлмас,
Бу борада ҳеч мунозара, жанг бўлмас.
Шундай кишига ишқ муяссар бўлади
То бўлса-да бадном, дили танг бўлмас.

Ғам оламидан гоҳида кеттинг келади,
Ғоҳ мангува истиқомат эттинг келади.
Ўтган ҳаётингда қойил этдинг нимани,
Энди гўзал оқибатга еттинг келади?!

КАМОЛИДДИН ИСМОИЛ

Тиг урса ажал, минг бир қалқон ҳечдир,
Молу амалу дабдабаю шон ҳечдир.
Ҳар яхши-ёмонини жаҳоннинг кўрдик,
Яхшиликдан ўзгаси ёлгон, ҳечдир.

Ўзингга қидирма ўзгалардан малҳам,
Ҳар дардига дилнинг сен ўзинг бўл
маҳрам,
Хилватга чекин у з гаминг е ҳар дам,
Дунёда тополмайсан ўзингдек ҳамдам.

Умринг сени ўтди бекор зоеъ бўлиб,
Шундай бир азиз бойлик ҳор, зоеъ бўлиб.
Фарёд ўша дамданки, сен огоҳ бўлсанг,
Тарк этди текин неъмат зор, зоеъ бўлиб.

Сийлар бўлса, ғам ила сийлар даврон,
Узмоққа тикансиз гул ҳеч йўқ имкон.
Ҳеч нарсани берган эмас-у бекорга,
Охир-оқибат олишни истаркан жон.

Дер эди сув бўйида бир қушгина —
Булбулгина, латифгина, хушгина:
"Бўлмайд зару лаълу зумурадани ёб,
Ўхшайди-ю гулга, хиди йўқ ҳечгина".

Тонг боққа етаклади мени дарди нихон,
Ҳол тили билан булбул этар гулга баён:
"Чик гунчалигинг пардасидан шод бўл,
Бу боғда очилди қанча гуллар бегумон".

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Кўрғазмалар

НАФОСАТГА ЙЎҒРИЛГАН АСАРЛАР

АЁЛ ҚАЛБИ НОЗИК, УНИНГ НИГОҲЛАРИДАГИ МЕҲР-МУҲАББАТ, ЮРАГИДАГИ ЎТЛИ ҲАРОРАТ БАРЧАНИ СЕҲРЛАЙ ОЛАДИ. АЙНИҚСА САНЪАТГА ОШУФТА ҚАЛЕ АЁЛ БЎЛСАЧИ, УНИНГ ИЖОДИ ҲАММАНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ.

Баҳорнинг илк кунларида мусав-
вир аёллар асарларини ўзида му-
жассам этган кўрғазма ҳам томо-
шабинларнинг диққат-эътиборини
жалб этди. Дарҳақиқат, аёл қалби
нозик бўлсада, донишмандларни
лол қолдирган сир синоптага тула.
Албатта улар томонидан яратилган
асарлар кўрғазмалари ҳам ўзига хос
руҳий кайфият, шoirона куй ва
рангли тасаввулар оламига
шўнгишга имконият яратади. Бу
оламни ифода этиш фақатгина
мўйқалам ушлаган нозик аёл
қўлларига хосдир. Кўни кеча
Ешлар ижод саройида Ўзбекистон
Бадий академияси, «Ўзбекистон
маданияти ва санъати форуми» жа-
мғармаси томонидан Халқаро ю-
вон-қизлар байрами муносабати бил-
ан ташкил этилган «Ўзбекистон му-
саввир аёллар асарлари кўрғазма-
си» аёл қалбиди орузлари ва ис-
таклар, асарларидаги гўзаллик ва

нафосат, самимийликка ошно эта-
ди ва аёл қалби билан яна бир бор
учрашишга имкон яратади.
Кўрғазмада санъат ихлосмандла-
ри диққатида бўлиб келган ва рес-
публикамизда яхши танилган мусав-
вир аёлларимиз билан бир қаторда
ҳали жуда ёш, ўзларининг ижодий
қадамларини энди бошлаётган
ёшлар ҳам бор. Кўрғазма экспози-
циясида Дилором Мамедова, Татъ-
яна Фадеева, Светлана Шин, Уми-
да Хаираева, Анастасия Никитина,
Юлия Алагир, Евгения Силка, Юлия
Дробова, Нигора Шарафужаева ва
бошқа ёш мўйқалам усталарининг
50 дан ортик асарлари намойиш
этилмоқда. Кўрғазмадан ўрин олган
асарлар турлича, рангтавир ва гра-
фика, фотография ва актуал санъат
намуналаридан иборат. Нозик аква-
рел манзара ва мойбўёқли портрет-
лар, фототюждлар ва инсталляция
лойиҳалар — мусаввир аёллар ижо-

дининг асосини ташкил этади.
Мусаввир аёллар дунёни ўзгача
идрок этадилар албатта. Улар ран-
гни ҳис этиши, танланган мавзу ёки
образнинг ички кайфиятини ўзгача
ифода эта олиши ва ишга нисба-
тан ўта меҳнатсеварлиги билан аж-
ралиб турадилар. Ҳар бир асар ай-
тилган сўзларга исбот бўлиб, ҳар
бири аёл қалби сирларини билиш-
га имкон яратади.
Шуни айтиш жоизки, аёллар
ижодига бағишланган кўрғазмалар
доимо ҳис - туйғулар жўшқинлиги-
ди, йиллар орасида энг бетакрор,
фасллар келинчаги бўлиши баҳор
фаслига монанддир. Зеро баҳор ва
аёл — гўзаллик, нафосат, садоқат
рамзидир.
Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан
лаҳзалар
Владимир Гранкин олган
суратлар



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ

2009 йил 31 январдаги «Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиб, адвокатлик бюро, фирма ва ҳайъатларда адво-
катлик фаолияти билан шуғулланмаётган шахсларнинг лицензияларининг амал қилишини тугатиш ҳақида»ги 13-ум-Б сонли буйруғига асосан куйидаги
шахсларнинг лицензиялари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Т/Р	Ф.И.Ш.	Лицензия рақами	Берилган санаси	Т/Р	Ф.И.Ш.	Лицензия рақами	Берилган санаси
1.	Шомирзаев Г.	TN - 000065	01.06.1997 йил	48.	Ильхамджанова Н. Н.	TN - 001523	28.06.2001 йил
2.	Тютяев В.	TN - 000546	30.06.1997 йил	49.	Загидуллина Л. Г.	TN - 001538	12.07.2001 йил
3.	Худайбердиева Г. А.	TN - 000629	09.09.1997 йил	50.	Уразбаев К. А.	TN - 001581	23.10.2001 йил
4.	Петров И. А.	TN - 000632	12.09.1997 йил	51.	Сохтинков С. М.	TN - 001587	24.12.2001 йил
5.	Примкулов Р. Р.	TN - 000645	17.10.1997 йил	52.	Калымбетова Н. Б.	TN - 001597	24.12.2001 йил
6.	Юлдашев С.	TN - 000771	23.02.1998 йил	53.	Даниелян Г. Ф.	TN - 001601	26.12.2001 йил
7.	Шатурсунов М. Х.	TN - 000775	23.02.1998 йил	54.	Нурметов А. Б.	TN - 001611	02.01.2002 йил
8.	Лукманов Ф. А.	TN - 000793	23.03.1998 йил	55.	Назирова Л. И.	TN - 001620	02.01.2002 йил
9.	Чулиев А. Б.	TN - 000801	06.04.1998 йил	56.	Рахимов Б. М.	TN - 001646	13.05.2002 йил
10.	Ходжаев А. А.	TN - 000805	01.05.1998 йил	57.	Файзинов Э. З.	TN - 001649	13.05.2002 йил
11.	Айрапетянц В. Г.	TN - 000839	29.06.1998 йил	58.	Усманов Б. М.	TN - 001663	13.05.2002 йил
12.	Самарходжаева М. Х.	TN - 000873	03.09.1998 йил	59.	Диметова Д. Н.	TN - 001668	13.05.2002 йил
13.	Мирабидов М. М.	TN - 000896	30.10.1998 йил	60.	Сайдаменов Х.	TN - 001670	13.05.2002 йил
14.	Зубанова Э. В.	TN - 000912	18.11.1998 йил	61.	Бичурин Т. М.	TN - 001758	14.10.2002 йил
15.	Саидова Э. Б.	TN - 000936	30.12.1998 йил	62.	Исмаилова Г. С.	TN - 001804	12.12.2002 йил
16.	Назаров Х.	TN - 001000	20.03.1999 йил	63.	Шаосулова Н. Ю.	TN - 001827	23.12.2002 йил
17.	Сайтов П.	TN - 001007	02.04.1999 йил	64.	Караходжаева Ш. Р.	TN - 001832	27.12.2002 йил
18.	Ким И. Б.	TN - 001027	02.04.1999 йил	65.	Мадримов Х.	TN - 001850	06.02.2003 йил
19.	Саидов Ш. З.	TN - 001032	27.04.1999 йил	66.	Мухтарова М. С.	TN - 001857	14.02.2003 йил
20.	Бабакулов С. Б.	TN - 001033	27.04.1999 йил	67.	Мирзаев Х. М.	TN - 001899	16.06.2003 йил
21.	Сизиков С. П.	TN - 001040	10.06.1999 йил	68.	Бакунов П. Б.	TN - 001912	23.06.2003 йил
22.	Очилов Ш. С.	TN - 001049	10.06.1999 йил	69.	Назаров А. Т.	TN - 001927	07.08.2003 йил
23.	Кирилленко Г. Х.	TN - 001068	16.07.1999 йил	70.	Самсонова Ж. Г.	TN - 001972	02.10.2003 йил
24.	Сафаров Б. Н.	TN - 001074	19.07.1999 йил	71.	Касымов О. О.	TN - 001990	09.10.2003 йил
25.	Акрамов А. А.	TN - 001084	27.07.1999 йил	72.	Ҳакимджанова Н. П.	TN - 001991	09.10.2003 йил
26.	Хусанбаев Ш. Б.	TN - 001112	30.09.1999 йил	73.	Мирзаева С. Т.	TN - 001994	13.10.2003 йил
27.	Исмоилова Г. З.	TN - 001125	08.10.1999 йил	74.	Абдурахманова М. Х.	TN - 001995	13.10.2003 йил
28.	Зухуров К. Н.	TN - 001140	29.10.1999 йил	75.	Адживефав В. И.	TN - 002012	04.11.2003 йил
29.	Йулдошев М. А.	TN - 001159	01.12.1999 йил	76.	Худойбердиев Х.	TN - 002057	30.12.2003 йил
30.	Асьянов К. Ш.	TN - 001174	13.12.1999 йил	77.	Ширин С. А.	TN - 002072	12.02.2004 йил
31.	Назаров У. Э.	TN - 001208	11.02.2000 йил	78.	Рахмонов А.	TN - 002082	20.02.2004 йил
32.	Сулейманова Ш.	TN - 001247	29.03.2000 йил	79.	Умаров Р. З.	TN - 002083	20.02.2004 йил
33.	Ибрагимов М. Ш.	TN - 001249	05.04.2000 йил	80.	Шамин С. М.	TN - 002091	25.03.2004 йил
34.	Имамов С. Б.	TN - 001278	01.06.2000 йил	81.	Азимов Ш. А.	TN - 002094	25.03.2004 йил
35.	Сагатов Н. Э.	TN - 001327	07.08.2000 йил	82.	Шев В. Я.	TN - 002126	18.05.2004 йил
36.	Ғазизбаева Х. П.	TN - 001334	18.08.2000 йил	83.	Хатамов К. Р.	TN - 002164	16.08.2004 йил
37.	Мирахмедова Х. Ю.	TN - 001354	18.09.2000 йил	84.	Расулова З. Р.	TN - 002189	14.09.2004 йил
38.	Нагай Э.	TN - 001363	26.09.2000 йил	85.	Арипов А. Н.	TN - 002198	21.09.2004 йил
39.	Пуллатов Н. Х.	TN - 001364	26.09.2000 йил	86.	Ибрагимов Х. М.	TN - 002220	26.10.2004 йил
40.	Арутюнян А. М.	TN - 001376	03.10.2000 йил	87.	Рахимов С. С.	TN - 002236	11.11.2004 йил
41.	Стрешинская Е. П.	TN - 001404	05.01.2001 йил	88.	Арифбаева А. Х.	TN - 002251	16.12.2004 йил
42.	Рахимов Ш. С.	TN - 001408	05.01.2001 йил	89.	Филиппова Л. М.	TN - 002275	19.12.2004 йил
43.	Зайнутдинов Х. А.	TN - 001410	05.01.2001 йил	90.	Валиуллин Р. Р.	TN - 002291	18.02.2005 йил
44.	Мустафоева К. М.	TN - 001430	31.01.2001 йил	91.	Ахунова Р. А.	TN - 002328	29.04.2005 йил
45.	Абдуллаев Ш. Ш.	TN - 001467	02.04.2001 йил	92.	Абдурахманов Н.	TN - 002344	29.04.2005 йил
46.	Расулов С. С.	TN - 001475	05.04.2001 йил	93.	Курманалиева Ш.	TN - 002345	02.05.2005 йил
47.	Дилмуратов М. Д.	TN - 001482	16.04.2001 йил	94.	Ҳачатурова Л.	TN - 002387	18.07.2005 йил
				95.	Маммулова Н. А.	TN - 002413	19.09.2005 йил
				96.	Азизова Д. А.	TN - 002430	17.10.2005 йил
				97.	Пирожкова В. В.	TN - 002433	17.10.2005 йил
				98.	Ахунджанов Х. С.	TN - 002456	24.10.2005 йил
				99.	Тухтаев С. К.	TN - 002983	02.06.2008 йил
				100.	Хошимов А. М.	TN - 003041	15.07.2008 йил

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлар диққатига!!!

Агар Сиз фаолият кўрсатаётган корхонада электр энергияси ва табиий газ тизимига ҳамда бошқа коммунал хизматларга улашишда, ула-
ниш учун техник шартлар олишда муаммолар келиб чиқадиган бўлса, шунингдек, шартнома-
лар тузишда қонунчилик талабларига зид шар-
тларни киритиш, шартномадан ташқари шарт-
ларни бажаришга мажбур қилиш ёки асоссиз
равишда тармоқдан узиб қўйиш ҳолатлари юз
берганда, ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун,
Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақоб-
ат ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ху-
дудий бошқармасига мурожаат қилишингиз мум-
кин!

Мурожаат учун телефонлар:
233-75-52, 233-76-86

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичи-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2009 йил 14 апрел кўни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тош-
кент шаҳар М.Улугбек туман суд икромчи-
лари бўлими томонидан, ЖИБ Оққўрсон
туман судининг 15.01.2009 йилдаги 38/
2009-сонли икром варақасига асосан та-
қлифланади. Тақлиф этилган ИИБ ЎХБ жар-
иқа майдончасида соқлаб-аётган, «Даewoo
Тсо» русумли, д/р А532ВХВ бўлган, 1995
йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйил-
моқда. Бошланғич баҳоси — 8 159 560
сўм.
Шунингдек 2009 йил 31 март кўни соат
11:00да ўтказиладиган аукцион савдосига
тақлифланади, Тошкент шаҳар Миробод тум-
ани суд икромчилари бўлими томонидан,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди-
нинг 16.01.2009 йилдаги 4/2009-сонли
икром варақасига асосан тақлифланади, Мир-
обод тумани, 3 провезд, Янги замон кўчаси,
3-уйда жойлашган 1-хондан қўйилмоқ-
да. Бошланғич баҳоси — 15 400 000 сўм.
Маъмур автотранспорт воситаси ва
кўчмас мулк билан тегишли суд икромчи-
лари бўлими вақили илгирроқда бевоси-
та жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукци-
он савдосида иштирок этиш истагидидаги
тадбиркорлардан аризаларни қабул қилиш
аукцион савдосига берилган кўн қалғанда ўта-
тилади.
Ўшбу савдоларда қатнашиш учун та-

Савдоларга марҳамат!

АТБ «КАПИТАЛБАНК» Кенгашининг 2009
йил 8 январдан 01-сонли Баённомаси ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Марказий банк-
нинг кредит ташкилотларини рўйхатга
олиш ва лицензиялаш комиссияси маж-
лисининг 2009 йил 21 январдаги 136/2-
сонли Баёнига мувофиқ «КАПИТАЛБАНК» Ак-
циядорлик тижорат банки Мирзо Улуғбек
филиали номи «КАПИТАЛБАНК» Очик акци-
ядорлик тижорат банки Мирзо Улуғбек фи-
лиали номига ўзгартирилганлиги ҳақида
эълон қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба
ва якшанбадан ташқари ҳар
кўни соат 9.00 дан 16.00 гача
қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-
95. Факс (3712) 233-21-56. Манзили-
миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-кават, 208-хона.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 206

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кўналари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4694 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашир этилган вақти: 13.30
Топширилган вақти: 13.30

Нашир этилган вақти: 13.30
Топширилган вақти: 13.30